




Ташкент/Екатеринбург
28-февраля 2023

**СОВМЕСТНОЙ МЕЖДУНАРОДНОЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ**

**“ТРАНСФОРМАЦИЯ БИЗНЕС-ПРОЦЕССОВ
В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ
ЭКОНОМИКИ И ОБЕСПЕЧЕНИЯ
ФИНАНСОВОЙ БЕЗОПАСНОСТИ”**

**ТАШКЕНТ/ЕКАТЕРИНБУРГ
28-ФЕВРАЛЯ 2023**

Scatter Qishloqxojaligimahsulotlari Dehqonchilik²⁸⁵



Source	SS	df	MS	Number of obs	=	12
Model	98.3872567	1	98.3872567	F(1, 10)	=	74.80
Residual	13.1527526	10	1.31527526	Prob > F	=	0.0000
				R-squared	=	0.8821
				Adj R-squared	=	0.8703
Total	111.540009	11	10.1400009	Root MSE	=	1.1469

Qishloqxoja~i	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]	
Dehqonchilik	.5736904	.066331	8.65	0.000	.4258957	.7214851
_cons	45.3115	6.828829	6.64	0.000	30.09592	60.52708

Yuqoridagi 4-jadval ma'lumotlarning resression tahlili shuni ko'rsatadiki, bog'liq o'zgaruvchi hisoblangan dehqonchilik mahsuloti qishloq xo'jaligi mahsulotiga mustaqil o'zgaruvchi hisoblangan qishloq xo'jaligi mahsuloti o'rtasida yuqori bog'lanish darajasi mavjud. To'g'rilangan determinatsiya koeffitsienti shakllantirilgan model ma'lumotlariga qanchalik yaxshi mos kelishini ko'rsatdi. Chunki, to'g'rilangan determinatsiya koeffitsienti qanchalik birga yaqin bo'lsa, mustaqil o'zgaruvchi hisoblangan dehqonchilik mahsulot bog'liq o'zgaruvchi qishloq xo'jaligi mahsulotining o'zgarish ta'sirini asoslab beradi. Ya'ni, dehqonchilik mahsulotning qiymatlarini xatosiz prognoz qilish imkoniyatini beradi.

ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ПАЙДО БЎЛИШИ ХУСУСИДА

Ишнйазов Зоҳид Нормаматович,

*Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва
тадқиқотлар халқаро маркази таянч докторанти*

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантириш биринчи навбатда деҳқон ихтиёридаги мавжуд ер-сув, иш кучи, қишлоқ хўжалиги техникалари ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида ресурсларни тежовчи техника ва агротехнологияларни жорий этишга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Маълумки, республикаимиз қишлоқ хўжалигида пахтачилик соҳаси азалдан салмоқли

²⁸⁵ www.stat.uz – Davlat statistika qo'mitasi

ўринни эгаллаб келган. Бугунги кунда ўтган асрнинг 90 йилларига нисбатан пахта майдонлари деярли 2 мартага қисқарган бўлсада, ҳамон жами экин майдонлари таркибида 30 фоиз атрофидаги салмоқни ташкил қилмоқда. Бунда пахтачилик соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ шаклланган инфратузилмани модернизация қилиш, соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда олиб борилаётган ислохотлар соҳа ривожланиши учун янги истиқболларни очиб берди.

Пахтачиликда кластер тизими жорий этилиши, давлат буюртмаси тўлиқ бекор қилиниши оқибатида, бугунга келиб етиштирилган пахта хом ашёси тўлиқ республикада қайта ишланмоқда.

Юқоридагилар билан биргаликда ривожланиб бораётган қишлоқ хўжалиги фани ва техника тараққиёти ютуқларидан, илғор тажрибалардан пахтачилик тармоғида кенг фойдаланиш – ресурслар танқислиги тобора кучайиб бораётган, ер ва сув ресурслари сифати ёмонлашиб, экологик муаммолар туфайли атроф муҳит ифлосланишига ҳам сабаб бўлмоқда. Демак, экологик муаммоларнинг инсонлар учун ҳавфи ортиб бораётган бугунги даврда пахтачилик тармоғини ривожлантиришнинг муқобил, экологик ҳавфсиз усулларида ҳам фойдаланиш зарурати ортмоқда.

Пахтачилик тармоғини илм-фан ютуқлари асосида ривожлантириш бўйича инсоният эришган ютуқлар билан биргаликда, юзага келаётган экологик ифлосланиш ҳолатлари, қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилаётган озиқ-овқат, атмосфера, ичимлик суви таркибида жонли мавжудодлар учун зарарли кимёвий бирикмалар кўпайиши, тупроқ механик, агрокимёвий ва мелиоратив ҳолати ёмонлашуви каби ҳолатлар пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги илм-фани, пахтачилик соҳасида маҳсулот етиштиришни ташкил этиш жараёни экологик мувозанатни сақлашдек долзарб вазифа ижроси билан биргаликда олиб берилиши лозим. Бу эса ўз навбатида экологик ҳавфсизликни таъминловчи инновацион технологиялар, экологик агротехника ва экологик тадбирларни амалга оширишни рағбатлантирувчи ижтимоий-иқтисодий механизмларни амалиётга мунтазам жорий этиб боришни тақозо қилади.

Шу ўринда қишлоқ хўжалиги соҳасида экологик муаммолар пайдо бўлишининг назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш, экологик муаммонинг мазмуни ва асл моҳиятини пахтачилик соҳаси мутахассислари учун содда тилда ҳамда аниқ ёритиш, масалани англаб олиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Экология – назарий аҳамияти юзага келиш моҳияти жиҳатидан инсонлар фаолияти ҳамда жонли табиат ва барча тирик организмлар ҳаёт фаолияти давомида юз берадиган ўзаро боғлиқ бўлган муносабатларни тадқиқ қилувчи фаннинг бир бўлаги ҳисобланади. Лекин, бугунги кунда сайёрамизда юз бераётган глобал ўзгаришлар, тирик табиат мавжудлиги учун салбий ҳолатлар ва шунингдек жамиятдаги юз бераётган биринчи навбатда озиқ-овқат муаммоси, унинг инсон учун ҳавфсизлиги масаласи энг аввало инсонларнинг табиатдан нотўғри фойдаланиши, табиий мувозанатни бузувчи фаолияти туфайли юзага келаётганлиги, тобора аён бўлиб бормоқда.

Табиат бойликлари, бизга табиат инъом қилган табиий ресурслар биз ўйлаганчалик барқарор ва битмас-туганмас, ҳар доим қайта тикланаверувчи ресурслар бўлмасдан, балки жуда камёб, аксарият ҳолларда ўрнини тўлдириб ёки қайта тиклаб бўлмайдиган тавсифга эгаллигини ҳаёт исбот қилмоқда. Шунинг учун ҳам табиий ресурслардан тежамкорлик асосида фойдаланиш, исрофгарчиликлар олдини олиш ва ифлосланишга йўл қўймаслик, энг муҳими фойдаланилган ресурслар ўрнини тўлдирувчи технологиялардан (масалан, ҳосил йиғиб олингандан кейин тупроққа чиринди ва озиқ моддаларини қайтариш) фойдаланиш масаласи фақатгина экологик масала бўлмасдан, иқтисодий муаммо ҳам ҳисобланади.

Инсоният ўз мақсадларида янги ерларни ўзлаштириш учун ўрмонларни йўқ қилиши, дарёларни бўғиб бошқа йўналишларга буриши, ер ости сувларидан бунинг нималарга олиб келиши мумкинлигини ўйлаб кўрмасдан фойдаланиши ҳолатлари кенгайиб бормоқда.

Шунингдек, автотранспорт ва кимё саноати ривожланиши, кишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда алмашлаб экиш тизими издан чиқиши, турли заҳарли препаратлар, кўлланилиши, ген инженериясидан фойдаланиш кўлами ортиб боришининг салбий оқибатлари қандай бўлишини фақатгина прогноз қилинмоқда.

Натижада, аҳолининг иқтисодий фаолияти оқибатида ўрмонларнинг чўлга айланиши, дарёлар ва денгизлар қуриб, улар ўрнида янги туз чўллари пайдо бўлиши, тупроқ, сув ва ҳаво ифлосланиш даражаси кун сайин ортиб бормоқда. Демак, мамлакатимиз аҳолисини эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, яшаш фаровонлигини ошириш мақсадида аҳолининг тадбиркорлик фаолияти доираси ортиши табиатга келтирилаётган зарарнинг асосий манбаси бўлиб ҳисобланади.

Аммо, бу масалага кенгроқ ёндашадиган бўлсак, иқтисод ва экология соҳалари (фанлари) қарама-қарши эмас, улар бир-бирига ўзаро боғлиқликда, бири иккинчисини тақозо этувчи, ва бири иккинчисини келтириб чиқарувчи соҳалар ҳисобланади. Жумладан, табиатни ифлосланиши, табиий ресурсларнинг ярқисиз ҳолатга келиб қолиши, табиатнинг ўз-ўзини тиклаш қобилиятининг бузилиши бундай ҳолларда табиий ресурслардан ишлаб чиқариш жараёнида нотўғри фойдаланиш, ерга нотўғри ишлов бериш, кимёвий ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддалардан оқибатини ўйламасдан нотўғри фойдаланиш натижаси ҳисобланади. Бу ерда иқтисодий фаолият, экология муаммосини келтириб чиқарувчи омил сифатида намаён бўлади.

Аммо, бу масаланинг мураккаб томони шундаки, иқтисодий ҳолатлар, аҳолининг яшаш фаолияти ва умуман олганда жамият мавжудлиги объектив ҳодиса, шу нуқтаи назардан ҳам инсоният табиатга зарар келтирмасдан мавжуд бўлиш имкони берилмаган. Мисол тариқасида, одамнинг яшаши ва камол топиши учун ҳаётий зарур бўлган товар маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ёки автомобил ва ҳаво транспорти ривожланиши ҳар қандай шароитда ҳам табиатни ифлосланиши учун жиддий асос бўла олади. Бундай шароитда атроф муҳитни ифлослантормасдан сақлаб туриш мумкин эмас. Инсон томонидан табиатга келтираётган зарарларнинг аксарият қисми қайтадан тиклаб бўлмайдиган катта йўқотишларга олиб келмоқда.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, аҳолини тадбиркорлик фаолияти давомида амалда табиатга зарар келтирмаслигининг имкони йўқ. Шу нуқтаи назардан ҳам бу ерда экологик вазият деганда нимани тушиниш лозимлигига ойдинлик киритиш талаб этилади.

Олимлар бу борада турли хил фикр билдирган бўлсада, умуман олганда битта умумий йўналиш яққол ажралиб туради. Бу кишиларнинг иқтисодий фаолияти давомида табиатни ифлослантириши - атроф муҳитга келтирилаётган зарар сифатида баҳолаш, бу масалани тўлиқ очиб бериш учун етарли эмас деган назарий қарашдир.

Ушбу назарий қараш намаёндаларидан бири Америкалик олим Пол Хейн ҳисобланади. Ушбу олим фикрига кўра «..атроф муҳитнинг ифлосланиши – бу ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган сарф ҳаражатлардан иборат. Аммо, ушбу ҳаражатларнинг битта ажралиб турувчи хусусияти борки: бунда сарф ҳаражатлар юки, ушбу юкни кўтаришга розилик бермаган инсонлар зиммасига тушади. Шундай қилиб, бошқа инсонларга уларнинг хоҳиш ва истакларига зид равишда сарф ҳаражатлар юкини кўтариб юришга мажбурлашни–атроф муҳит ифлосланиши деб аташ мумкин»²⁸⁶.

Бу назарий йўналишга қўшилиш мумкин, чунки товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ўзларини мақсади доирасида, маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида улар кўпроқ фойда олиш мақсадида, атроф муҳитни ифлослантириш орқали бошқа аҳолини сарф ҳаражат қилиш учун мажбур қилади.

Бундан шундай назарий хулоса чиқариш мумкин: атроф муҳит ифлосланиши қачон муаммога айланиши мумкин, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида аҳоли яшаш ҳудудини ифлосланиши натижасида инсон ҳукуқи паймол этилган бўлса. Ушбу мулкий ҳуқуқнинг тикланиши ифлосланиш муаммосининг бартараф этилганлигидан далолат

²⁸⁶ Пол Хейн. Экономический образ мышления. Экологический анализ. -Мировой Банк. -1994. -397 б.

Шунингдек, автотранспорт ва кимё саноати ривожланиши, кишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда алмашлаб экиш тизими издан чиқиши, турли заҳарли препаратлар, кўлланилиши, ген инженериясидан фойдаланиш кўлами ортиб боришининг салбий оқибатлари қандай бўлишини фақатгина прогноз қилинмоқда.

Натижада, аҳолининг иқтисодий фаолияти оқибатида ўрмонларнинг чўлга айланиши, дарёлар ва денгизлар қуриб, улар ўрнида янги туз чўллари пайдо бўлиши, тупроқ, сув ва ҳаво ифлосланиш даражаси кун сайин ортиб бормоқда. Демак, мамлакатимиз аҳолисини эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, яшаш фаровонлигини ошириш мақсадида аҳолининг тадбиркорлик фаолияти доираси ортиши табиатга келтирилаётган зарарнинг асосий манбаси бўлиб ҳисобланади.

Аммо, бу масалага кенгроқ ёндашадиган бўлсак, иқтисод ва экология соҳалари (фанлари) қарама-қарши эмас, улар бир-бирига ўзаро боғлиқликда, бири иккинчисини тақозо этувчи, ва бири иккинчисини келтириб чиқарувчи соҳалар ҳисобланади. Жумладан, табиатни ифлосланиши, табиий ресурсларнинг ярқисиз ҳолатга келиб қолиши, табиатнинг ўз-ўзини тиклаш қобилиятининг бузилиши бундай ҳолларда табиий ресурслардан ишлаб чиқариш жараёнида нотўғри фойдаланиш, ерга нотўғри ишлов бериш, кимёвий ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддалардан оқибатини ўйламасдан нотўғри фойдаланиш натижаси ҳисобланади. Бу ерда иқтисодий фаолият, экология муаммосини келтириб чиқарувчи омил сифатида намаён бўлади.

Аммо, бу масаланинг мураккаб томони шундаки, иқтисодий ҳолатлар, аҳолининг яшаш фаолияти ва умуман олганда жамият мавжудлиги объектив ҳодиса, шу нуқтаи назардан ҳам инсоният табиатга зарар келтирмасдан мавжуд бўлиш имкони берилмаган. Мисол тариқасида, одамнинг яшashi ва камол топиши учун ҳаётий зарур бўлган товар маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ёки автомобил ва ҳаво транспорти ривожланиши ҳар қандай шароитда ҳам табиатни ифлосланиши учун жиддий асос бўла олади. Бундай шароитда атроф муҳитни ифлослантirmасдан сақлаб туриш мумкин эмас. Инсон томонидан табиатга келтираётган зарарларнинг аксарият қисми қайтадан тиклаб бўлмайдиган катта йўқотишларга олиб келмоқда.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, аҳолини тадбиркорлик фаолияти давомида амалда табиатга зарар келтирмаслигининг имкони йўқ. Шу нуқтаи назардан ҳам бу ерда экологик вазият деганда нимани тушиниш лозимлигига ойдинлик киритиш талаб этилади.

Олимлар бу борада турли хил фикр билдирган бўлсада, умуман олганда битта умумий йўналиш яққол ажралиб туради. Бу кишиларнинг иқтисодий фаолияти давомида табиатни ифлослантириши - атроф муҳитга келтирилаётган зарар сифатида баҳолаш, бу масалани тўлиқ очиб бериш учун етарли эмас деган назарий қарашдир.

Ушбу назарий қараш намаёндаларидан бири Америкалик олим Пол Хейн ҳисобланади. Ушбу олим фикрига кўра «..атроф муҳитнинг ифлосланиши – бу ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган сарф ҳаражатлардан иборат. Аммо, ушбу ҳаражатларнинг битта ажралиб турувчи хусусияти борки: бунда сарф ҳаражатлар юки, ушбу юкни кўтаришга розилик бермаган инсонлар зиммасига тушади. Шундай қилиб, бошқа инсонларга уларнинг хоҳиш ва истакларига зид равишда сарф ҳаражатлар юкини кўтариб юришга мажбурлашни–атроф муҳит ифлосланиши деб аташ мумкин»²⁸⁶.

Бу назарий йўналишга қўшилиш мумкин, чунки товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ўзларини мақсади доирасида, маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида улар кўпроқ фойда олиш мақсадида, атроф муҳитни ифлослантириш орқали бошқа аҳолини сарф ҳаражат қилиш учун мажбур қилади.

Бундан шундай назарий хулоса чиқариш мумкин: атроф муҳит ифлосланиши қачон муаммога айланиши мумкин, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида аҳоли яшаш ҳудудини ифлосланиши натижасида инсон ҳукуқи паймол этилган бўлса. Ушбу мулкий ҳуқуқнинг тикланиши ифлосланиш муаммосининг бартараф этилганлигидан далолат

²⁸⁶ Пол Хейн. Экономический образ мышления. Экологический анализ. -Мировой Банк. -1994. -397 б.

<i>Адилъчаев Б. П.</i>	
Перспективы развития агротуризма в каракалпакстане для расширения устойчивости в сельских местностях.....	462
<i>Eshpulatov D. B.</i>	
Qishloq xo'jaligi korxonalarini innovatsion rivojlantirishni o'ziga xos xususiyatlari.....	464
<i>Қодирова Д. О.</i>	
Иктисодиётни рақамлаштириш шароитида озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш зарурияти.....	469
<i>Петрова А. В.</i>	
Совершенствование финансового механизма обязательного медицинского страхования в условиях инноваций и цифровизации экономики.....	473
<i>Халикчаева С. И.</i>	
Иктисодиётни рақамлаштириш шароитида 2023 йил солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг солиқ базасига таъсири масалалари.....	476
<i>Б.Н.Ишнйазов</i>	
Қишлоқ хўжалиги тармоғида молиялаштириш муносабатлари.....	479
<i>Utemuratova R. B.</i>	
O'zbekiston respublikasida sug'urta xizmatlari yo'lida chorvo'chilik mammolari va yechim yollari.....	481
<i>Захидова З. Х.</i>	
Рақамли иктисодиёт ривожига кичик бизнес субъектларининг ўрни.....	483
<i>Банноев Ш. Ш.</i>	
Глобаллашув шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.....	485
<i>Egamberdiyev R. I.</i>	
O'zbekistonda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashning ichki va tashqi omillari.....	489
<i>Фарходов Ф. Ф.</i>	
Божхона хизмати фискал фаолиятини такомиллаштиришда рақамлаштиришнинг ўрни.....	492
<i>Турсунов А. А.</i>	
Рақамли иктисодиёт шароитида ерлардан оқилон фойдаланишда солиқларнинг аҳамияти.....	495
<i>Boymatov X. Q.</i>	
Agrokonsalting xizmatlarining dehqon va tomarqa xo'jaliklarini rivojlantirishdagi iqtisodiy o'rni.....	497
<i>Shamanov A. P.</i>	
Qishloq xo'jaligi korxonalarida buxgalteriya hisobni mukammal yuritish samaradorlik garovi.....	499
<i>Саидахмедова Н.И.</i>	
Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини ошириш.....	500
<i>J. Umirzokov, A. Khalikov.</i>	
Advanced experiences in increasing investment activity in the special economic zones of the countries of the european union.....	504
<i>Bazarov F, Ruzikulova D.</i>	
Transformation processes in the agricultural sector in the context of digitalization of the economy: ensuring global food security.....	506
<i>Абдурахмонов В. Ф. Тўйчиев А. Ф.</i>	
Иктисодиётни рақамлаштириш шароитида аграр соҳада кооперация ва кооператив муносабатлар.....	507
<i>Hakimov Z. I.</i>	
Effective use of land resources as a condition for overcoming the food security problem.....	510
<i>Кузеванова Н. А.</i>	
Новый вектор развития жилищного строительства в России.....	513
<i>Нурманов У.А.</i>	
Иктисодиётни глобаллашув шароитида хўжалик юритувчи субъектларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда таҳлилнинг ўзига хослиги.....	518
<i>Aliyeva G.I.</i>	
Qishloq xo'jaligiga investitsiya kiritish mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash omili.....	520
<i>Shermatov O. A.</i>	
O'zbekistonda oziq ovqat xavfsizligini ta'minlashda sholi ishlab chiqarishni ko'paytirish omillari.....	522
<i>O. Shermatov</i>	
Directions for ensuring food security based on increase of fruit and vegetable products in uzbekistan.....	525
<i>Nurxonov N. Q.</i>	
Qishloq xo'jaligi mahsulotlari o'sishida dehqon xo'jaligi mahsulotlarining ulushi (qashqadaryo viloyati misolida).....	528
<i>Ишнйазов З. Н.</i>	
Пахтачилик соҳасини ривожлантиришда экологик муаммолар пайдо бўлиши хусусида.....	531
<i>Б.Н.Ишнйазов</i>	
Қишлоқ хўжалиги тармоқларида ислохотларни амалга ошириш ва молиялаштиришнинг иктисодий аҳамияти.....	534